

# ЖАМЪ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 11 июнь пайшанба  
Сотувда эркин нархда  
№ 117 (1898)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## МИНТАҚАВИЙ ИНТЕГРАЦИЯ РИВОЖИ — УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов туркий тили мамлакатлар давлат раҳбарларининг бешинчи саммити ва Қозғистон Республикаси янги пойтахтининг халқаро тақдирот маросимида иштирок этиш учун 9 июнь кунин Остона шаҳрига ташриф буюрди.

Аэропортда Президент Ислам Каримовни Қозғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев кутиб олди.

Шу кунин янги пойтахт — Остона шаҳрида туркий тили мамлакатлар давлат раҳбарларининг бешинчи учрашуви бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, аввалги — тўртинчи саммит бундан бир ярим йил бурун Тошкентда бўлган эди. Остона учрашувида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов, Қозғистон Президенти Нурсултон Назарбаев, Туркия Президенти Сулаймон Демирел, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев, Озарбойжон Президенти Хайдар Алиев ҳамда Туркменистон Мажлиси Раиси Саҳат Муродов қатнашди.

Учрашувда Президент Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида минтақавий интеграциялашувин янада чуқурлаштириш маса-



лалари туркий тили давлатлар ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолиши лозимлигини алоҳида қайд этиб ўтди.

Саммитда минтақавий ҳамкорлиқнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Янги аср бўсағасида туркий тили давлатлар иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётининг барча соҳаларида тегна ўзгаришлар босқичдан

ўтаётгани ва бу ҳолат ўзаро алоқаларда ўз аксини топиши лозимлиги таъкидланди.

Анжуманда туркий тили мамлакатлар давлат раҳбарлари бешинчи учрашувининг мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг муҳим йўналишларини акс эттирган ва минтақавий алоқаларни чуқурлаштириш, маданий-маънавий ҳамкорлиқни кучайти-

ришни кўзда тутган Декларация ҳамда Учрашувлар Котибияти тўғрисидаги Низом қабул қилинди. Музокаралар чоғида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов тақлифига биноан, туркий тили мамлакатлар давлат раҳбарлари бешинчи саммитининг Покистон ва Ҳиндистонда ўтказилган ядро қуроли синовлари бораисида Таёбнома сизилган қили-

надиган бўлди.

Эртаси кунин — 10 июнда туркий тили мамлакатлар давлат раҳбарлари Остонада сийбни қатаргон қўрбонлари хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойига ташриф буюрди. Бу ерда давлат раҳбарлари ва фахрий меҳмонлар хиёбони қурилишига пойдевор қўйиш маросими бўлди.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов раҳбарлигидаги расмий делегация Қозғистоннинг янги пойтахти — Остона шаҳрининг халқаро тақдирот маросимида иштирок этди. Ислам Каримов шу муносабат билан ўтказилган тантанали йиғилишда нутқ сўзлаб, Қозғистон халқининг янги пойтахт билан самийий кутилади.

Шу кунин Ўзбекистон Президенти Тошкентга қайтиб келди. Пойтахт аэропортда давлатимиз раҳбарини Олий Мажлис Раиси Э. Халлилов, Бош вазир У.Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А.Файзуллаев, Тошкент шаҳри ҳокими К.Тулаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

**Аҳмад АЪЗАМ. (ЎЗА) СУРАТДА: учрашу пайти. Ф. ҚУРБОНБЕКОВ олган сурат.**

## Президент Ислам Каримовнинг туркий тили давлатлар бошлиқларининг бешинчи учрашувида сўзлаган нутқи

Жаноб Президентлар! Ўзбекистон Республикаси делегацияси номидан Қозғистон ҳукумати, шахсан Президент Нурсултон Назарбаевга қозғиларга хос анъанавий меҳмондўстлик ҳамда туркий тили давлатлар бошлиқлари учрашувининг яхши ташкил этилгани учун самий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Бу анжуман бешинчи учрашувиимиз бўлиб, биз ҳамжамиятимиз доирасида ҳамкорлик қилиш борасида етарли тажрибага эгамиз. Бизни қай даражадаги маънавий ва тарихий ноб мерос яқинлаштирганини яхши биламиз, туркий тили халқлар етакчилари анжумани доирасидаги ҳамкорлигимизнинг қай даражада катта имконият ва ишончга эга эканини аниқ сезиб кўраёми.

Бу барчамизни бирлаштирган муҳим омил — туркий тили халқларининг тарихий, маънавий ва маданий яқинлиги эканини жуда яхши англаймиз. Вақт бизнинг ҳамкорлигимизни энг аввало ҳар бир мамлакат манфаатларининг барчамизнинг узоқ муддатли ҳамкорлигимиз талабларига жавоб берадиган умумий мақсадларга мос келиши туғилди ривожланиб бораётганини кўрсатди.

Анжуманимизда давлатларимизнинг турли даражадаги иқтисодий, маданий ва гуманитар алоқаларида ҳар томонлама кўмаклаштириш ва уларни кенгайтиришга зарар етказадиган сийбни, бунинг устига, ҳарбий-сийбни тўра бериш барчамиз учун номақбулдир.

Муҳтарам давлат бошлиқлари ва вакиллари! Энг аввало, давлатларимиз манфаатлари муштараклигиндан келиб чиққан ҳолда, тарихимизнинг учинчи минг йиллик арасида барчамизни ташвишга солаётган энг муҳим муаммоларни қайд этиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Шу пайтгача имзоланган, ратификация қилинган икки томонлама ва кўп томонлама шартнома ҳамда битимларнинг амал қилишини ва улар-

нинг самарадорлигини ошириш масалалари биринчи ўринда туради.

Гап, энг аввало, миллий манфаатларга, барқарорлиқни таъминлаш манфаатларига, давлатларимизнинг худудий бутунлиги ва ҳақиқатини талабларига жавоб берадиган тенг ҳуқуқли ва фойдали ҳамкорлигимизнинг ҳали тўла юзага чиқарилмаган улкан имкониятлари ҳақида кетмоқда.

Минтақамиздагина эмас, чегараларимиз яқинида мавжуд бўлган муайян ҳолат ва юз берадиган воқеалар ривож ҳам кун сайин бутун дунёдаги энг йирик давлатлар эътиборини кўпроқ тортаятган минтақамиз давлатларида интеграциянинг жароғини янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришни тақозо этади.

Бугунги кунда биз диний экстремизм тарқалиши туғилди тибора охиб бораётган ҳавфдан, Жанубий Осиёда ядро қуролига эга бўлишга интилаётган давлатлар тобора кўпайиши билан боғлиқ хатардан кўз юмишимиз мумкин эмас.

Шундан келиб чиққан ҳолда, минтақавий интеграциялашувин янада чуқурлаштириш масалалари туркий тили давлатлар ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоғи керак.

Марказий Осиёдаги давлатларнинг жўроғий ўрни минтақанинг транспорт масаласидаги ўзини хос муаммоларининг ҳал этишга қаратилган коммуникативон дўстликларини амалга оширишни тақозо этади. Европа Иттифоқи қўллаб-қувватлаётган ҳамда яхшигина молиявий базага эга бўлган кўп йўналишли ТРАСЕКА лойиҳасини амалга ошириш — Европа қитъасига йўл очиб берадиган Транскавказ йўналишига эга бўлишимизга аниқ имконият яратди.

Уштан жиноятчилик, террорчилик, наркотик моддаларнинг тайриқонун тарқатилиши ва сотилишига қарши курашиш мамлакатларимиз ҳамкорлигининг асосий йўналиши ва маъмунига айлангани керак. Афсуски, алоҳида эътибор талаб қиладиган бу муаммолар бўйича сийб-ҳаракатларимизни

ҳали етарли даражада мувофиқлаштира олганимиз йўқ.

Орол фожаси — инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фалокатлардан бири ҳисобланади. Орол муаммоси бугунги кунда, ҳақиқатан ҳам, умумбашари муаммага айланган бўлиб, унинг биологик мувозанатнинг бузилишига таъсири ҳозирнинг ўзида сезилмоқда, у жуда кенг худудлардаги аҳоли ирсийтига ҳалокатли таъсир кўрсатмоқда.

Бирок, шунинг афсус билан эътироф этиш лозимки, кўп ҳолларда Орол фожасининг мамлакатларимиз аҳолиси солиғи ва ҳаётига ҳалокатли таъсирини англашимиз бу фактнинг қайд этишдан нарига ўтмайди.

Шунинг ҳам алоҳида таъкидлашнинг истардимки, ҳозирги босқичда Марказий Осиё давлатлари учун миллий таълим тизимини тўдан ислоҳ қилиш, усуб келаятган айланиш XXI аср талаблари ва муаммоларига жавоб берадиган ҳолда ҳар томонлама тайёрлаш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Бу муаммоларни ҳал этиш учун халқаро тузилмаларнинг ресурс, имконият ва инвестицияларини жалб этиш — энг муҳим масалалар.

Гап ҳамкорлигимиз истиқболлари ҳақида кетар экан, туркий тили давлатлар жаҳон ҳамжамиятининг табиий ва фалол бир қисми бўлиб, уларнинг эинги тинчлик ва тараққиёт манфаатлари йўлида бошқа барча мамлакатлар билан ўзаро фойдали, самарали ҳамкорлик қилиш учун охиқ эканини алоҳида қайд этишни истарам.

Тожикистоннинг Марказий Осиёдаги урта мамлакат — Қозғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг интеграциялашуви жароғини кўшилиши бунинг ёрқин далилидир. Назаримда, айнан мана шу гоилар туркий тили давлатлар бошлиқларининг бешинчи учрашуви Декларациясининг асосини ташкил этиши лозим.

Бугунги кунда Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий ҳамкорлигининг ҳозирнинг ўзидаёқ ижобий натижалар бераётганини мамнуият билан

қайд этиш мумкин. Бу ўринда шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, бу ҳамкорлик доирасида йирик халқаро консорциумлар тузиш, қимматли қозғилар бозорини барпо этиш ҳамда бутун минтақа иқтисодиёти учун зарур бўлган бошқа дастурларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Сунги йиллардаги муносабатларимиз тарихига назар солсак, энг аввало, халқларимизнинг маънавий жиҳатдан қайта тикланиш, аждоғларимиз қолдирган улкан маданий меросни чуқурроқ ўрганишга бўлган интилиши кўнга ташланади.

Биз кишиларимизнинг тафаккур тарзи, бугунимиз ва келажакимиз истиқбол қўл ҳолларида халқларимиз жаҳоннинг маданий хазинасига қўшган маънавий қадриятларининг тарихий муҳиятини англаш ва чуқур ироқ этиш билан белгилашини унутмаслигимиз лозим.

Буюк аждоғларимиз, халқ достонлари, Шарқ дурдоналари бўлиши қадимий шаҳарларимиз юбилейларини биргалликда ўтказиш ҳам яхши анъанага айланиб қолган. Бундай маданий анжуманларнинг ташкил этиши ва ўтказиш тарихий йилдиси бир, тили ва маданияти яқин халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга, уларнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Бу йил ЮНЕСКО қарори билан иккита катта юбилей — Имом ал Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги ҳамда буюк олим ал Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги нишонланади.

Имом ал Бухорийнинг ҳаёти ва ижоди бизга у зот ҳақида ўз давриндан анча илгариллаб кетиб, халқларини бирлаштира олган, турли миллатларини ислом фалсафаси ва динининг мангу инсоний идеаллари атрофида жиплаштирган инсон сифатида таърихга хуқуқини беради.

Буюк астроном, муҳандис ва тадқиқотчи ал Фарғоний номи бутун маърифий дунёда машҳурдир.

Кўпгина асрлар мобайнида денгизчи ва карвонбошилар фойдаланган, юлдузларнинг бурчак ҳаракатини ўлчайдиган асбоб — устурубни ўша зот кашф қилган.

Мисрдаги Нил дарёси сатҳини аниқ белгилаб берадиган, бугунги кунда ҳам мавжуд бўлган улкан иншоот — нилометрини ўша зот барпо этган. Биз ана шундай буюк аждоғларимиз номини фахр билан тилаш охиқ ҳуқуқига эгамиз.

Шу муносабат билан ЮНЕСКО Ижроия Кўмитасининг жаҳон ва минтақа доирасида улкан аҳамият касб этган атоқли арбоблар, асарлар ва воқеаларини нишонлашнинг асосий мезонларини белгилаб берган 154-сессияси қарори низоҳда ўз вақтида қабул қилинганини эътироф этиш жоиз. Яна шунинг таъкидлаш ўринлики, бу саналарнинг ҳар бири халқларини бир-бирига яқинлаштиришга, маданий мулоқотга, ўзаро аҳиллик ва бир-бирини англашга кўмаклашини лозим.

Давлатларимиз ўртасида ҳамкорлик йўлига қўйилган йиллар мобайнида маданият соҳасидаги алоқаларимиз сезиларли даражада мустаҳкамланди. Мисол учун, Ўзбекистонда Қозғистон ва Қирғизистон Маданияти кунлари, Қозғистонда эса Ўзбекистон Маданияти кунлари ўтказилди.

Тошкентда "Туркистон — умумий уйимиз" конференцияси ўтказилди, унинг натижаси ўлароқ, Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси ташкил этилди. Буларнинг барчаси тарихан шаклланиган миллий маданиятлар, халқларимизнинг урф-одати ва анъаналари, яхши қўшиқчилиги сингари табиий жараёнлардан далолатлар.

Тарихий воқеалар замирида Қозғистоннинг янги пойтахти — Остонанинг тақдирот маросими ва бу воқеанинг байрам қилиниши халқларимиз ва давлатларимиз ҳаётида муҳим босқич ва фахр-ифтиҳор манбаи бўлишига аминман.

Қозғил ва унинг раҳбари Нурсултон Назарбаевини бу тарихий ва ақоиб воқеа билан чин қўлимдан қўллашга ижозат бергайсиз.

Муҳтарам давлат бошлиқлари! Бизнинг Қозғистон дўстлигини бу учрашувиимиз ўзининг муайян натижаларини бериши ҳамда давлатларимиз ўртасидаги интеграциялашуви жароғини янада ривожлантиришга, халқларимизнинг бир-бирини маънавий бойитишига хизмат қилишига ишончимиз қомил.

Эътиборингиз учун ташаккур.

## Вазирлар Маҳкамасида учрашув

Мамлакатимизга ташриф буюрган Япониянинг "Номура Секюритиз Ко" молия компаниясининг делегацияси аъзолари Ўзбекистон Бош вазирини Уткир Султонов билан учрашди.

"Номура Секюритиз" компаниясининг фонд биржалари инфратузилмаси, иқтисодий муассасалар бора-сидаги тажрибаси Ўзбекистон учун муҳим аҳамиятга эгадир. Лекин Бош вазир мулоқот чоғида, Хуеусан, мазкур компанияга қарашли "Номура Ресерч Институт"нинг молиявий-иқтисодий тадқиқотлари эътиборга молик. Институт, асосан, иқтисодий тадқиқот ва таҳлил, консалтинг, турли асбоб тизимлари яратилиши ташкил этиш, илгор технологияни қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш каби масалалар билан шуғулланади.

Учрашувда япониялик сармоядорлар, молиячилар ва иқтисодчиларнинг Ўзбекистонга қизиқиши тобора ортиб бораётгани таъкидланди. Сабаби равшан: Ўзбекистон бозорида бизнес учун кенг имкониятлар мавжуд. "Номура Ресерч Институт" президенти Шозо Хашимото бунинг эътирофи учун, мазкур ташрифдан кўзда тутилган мақсад ўзаро ҳамкорлиқни янада ривожлантириш учун янги имкониятларни ўрганиш эканини айтиди. Сўбат чоғида ўзаро молиявий-иқтисодий алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Мулоқот чоғида Бош вазир ўринбосари, макронқи-содиёт ва статистика вазирини Б.Ҳамидов, ташқи иқтисодий алоқалар вазирини Э.Ғаниев, ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бошқарувининг раиси Р.Азимов иштирок этиди.

Учрашувда Япониянинг Ўзбекистондаги Факултолда ва Мухтор элчиси К.Обата ҳозир бўлди.

(ЎЗА)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар миқдорини ошириш тўғрисида

Нарх-навоининг эркинлашуви шароитида аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида:

1. 1998 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси худудларида:

энг кам иш ҳақи — ойига 1100 сўм;  
кексаллик пенсияси — ойига 2100 сўм;  
фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромади — ойига 1100 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошлангич разряд — ойига 1100 сўм;

болаликдан ногирон бўлганларга бериладиган нафақа ойига 2100 сўм миқдориди;

кекса ёшдаги ҳамда зарур иш стажига эга бўлмаган меҳнатта яроқсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 1275 сўм миқдориди белгилансин.

2. 1998 йил 1 июлдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, олий ўқув юртлири талабалари, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлири ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 1,5 бараварга оширилсин.

3. 1998 йил 1 июлдан бошлаб пенсияларнинг барча турлари ўрта ҳисобда 1,6 бараварга оширилсин. Турли йилларда тайинланган пенсияларнинг миқдорини тенглаштириш мақсадида, 1991 йил 1 январга қадар тайинланган пенсияларнинг барча турлари миқдори ўрта ҳисобда 1,7 бараварга, 1991 йилдан бошлаб тайинланган пенсиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,5 бараварга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ва Молия вазирлиги ўн кунлик муддат ичида пенсияларни қайта ҳисоблаб чиқиш тартибин ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда пенсияларнинг барча турларининг оширилган аниқ миқдорларини белгиласин.

4. Энг кам иш ҳақида нисбатан белгиланган иш ҳақида устама ва қўшимчаларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, оналарга фарзанди икки ёшга етгунча парвардиш қилиш учун бериладиган, болали оилаларга бериладиган нафақалар ва бошқа тўловлар 1998 йил 1 июлдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, вазирлиқлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молиявий таъминланадиган ташкилот ва муассасалар мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим оқаллари миқдорини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминлашларин.

6. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республиканинг давлат бюджети ва Пенсия фонди ҳисобидан қоплансин.

7. Ҳўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар меҳнатта ҳақ тўлашининг белгиланган базавий фонди миқдоридан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат харажатини камайтириш ҳисобидан 1998 йил 1 июлдан бошлаб иш ҳақи миқдорини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ амалга оширилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 6 майдаги УП-1755 рақами Фармони, 8-моддасидан ташқари, ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кунлик муддат ичида мазкур Фармоннинг бажарилиши юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
1998 йил 9 июнь.

## МУҲАРРИР МИНБАРИ

### РАҲБАР — ЭЛНИНГ ОЛДИНГИ ОДАМИ

Халқ депутатлари Қашқадарь вилоят кенгашида Президентимиз Ислам Каримовнинг қилган чуқур таҳлил, сермазмун маърузаси ҳозирги кун ижтимоий-сийсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётимизда алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Маърузада Қашқадарь вилоятининг ҳозирги ҳаёти тўғрисида, аслида, давр ва тараққиёт, раҳбар ва халқ, жамиятимизда ислохотларни ривожлантириш муаммолари атрофида таҳлил қилиб берилган. Шу боисдан, ушбу нутқнинг ҳар бир сўзига алоҳида диққат қилиб, унинг руҳи ва маъмуни дунёсини тегна идрок этиб, ўқиб-ўрганиб чиқишининг амалий аҳамияти каттадир.

Давлатимиз раҳбарининг Қашқадарь вилоятга ташрифи, дафъатан қараганда, бу вилоятда рўй бераётган баъзи хатарли иллатларнинг олдини олиш мақсадида бўлган ва бу мақсад йўлбошимиз маърузасининг ҳам амалий-таъкидлий руҳини белгилангандай бўлса-да, лекин маърузада вилоятнинг мамлакат ҳаётида тутган ўрни, мавқеи, вилоятда амалга оширилган салмоқли ишлар, ўзгаришларга ҳам алоҳида эътибор қилинган. Маърузада айтилганидек, Қашқадарь вилоятининг мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига қўшаётган ҳиссаси салмоқлидир. Масалан, халқимизнинг кундалик ҳаётига айланган табиий ресурсларнинг 90 фоизи ана шу заминда ишлаб чиқарилади. Вилоятда улкан қурилишлар салмоғи тобора охиб бораётган. Утган йилларда галла, пахта этиштириш бўйича режалар ушладилан. Вилоятдаги бу йилги ҳосилни ҳам баракали бўлади, деб ишончи мумкин.

Маърузада бу ютуқлар тила олган. Яна шунинг айтишимиз керакки, Президентимиз ўз нутқида Қашқадарь воҳасининг фидойин, заҳматқаш халқига самийий эътиромини илиқ-меҳри суларда ифода этади.

«Бу юртда шундай одамлар йишайдики, — дея давлатимиз раҳбари, — уларнинг кўнглини, қаддуқоматини кўтарсанг, ҳақ гапин айтсанг, ҳақиқий етакчи бўлсанг, улар билан ҳамдард, елкадош бўлиб яшасанг, ҳамма нарсанга эришини мумкин».

Қашқадарь вилоятининг иқтисодий салмоқини ва бу ердаги таъти, жўмард халқини Президентимиз аввалдан яхши билади, бу заминдаги ҳар бир яхши нарсани дилдан эъозлайди. Айнан мана шундай тегна инсоний ҳис-туйғулар билан бу заминда боғланганлиги туғилди юртобимиз вилоятда рўй бераётган нохуш воқеа-ҳодисалардан ҳам шу қадар куюниб, кўнгиладан изтироб чекиб таъриғинга гувоҳ бўлдик.

Фидойин, заҳматқаш халқига самийий эътиромини илиқ-меҳри суларда ифода этади.

«Бу юртда шундай одамлар йишайдики, — дея давлатимиз раҳбари, — уларнинг кўнглини, қаддуқоматини кўтарсанг, ҳақ гапин айтсанг, ҳақиқий етакчи бўлсанг, улар билан ҳамдард, елкадош бўлиб яшасанг, ҳамма нарсанга эришини мумкин».

Қашқадарь вилоятининг иқтисодий салмоқини ва бу ердаги таъти, жўмард халқини Президентимиз аввалдан яхши билади, бу заминдаги ҳар бир яхши нарсани дилдан эъозлайди. Айнан мана шундай тегна инсоний ҳис-туйғулар билан бу заминда боғланганлиги туғилди юртобимиз вилоятда рўй бераётган нохуш воқеа-ҳодисалардан ҳам шу қадар куюниб, кўнгиладан изтироб чекиб таъриғинга гувоҳ бўлдик.

Бу вилоятда жиддий ташвишга солаётган муаммо шунки, ана шундай улкан иқтисодий имкониятларга ва меҳнатқаш аҳолига эга бўлган воҳа раҳбарликка ёлчимаяпти. Бундан икки ярим йил олдин қатта укидлар билан тайинланган вилоят ҳокими билдирилган ишчиларни айтарили оқла-

мади. Вилоятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётини бошқаришда жиддий нуқсонларга йўл қўйди.

Энг хуниги, раҳбарлик бу ерда тамомла номақбул маъноларда тушунилиб, манманлик, димоғдорлик, тақабурлик, адолатли менсимаслик ва ялтоқилиқни э

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аҳолининг эса раҳбарларга ишончи суётлашди. Бу ҳолатлар чиндан ҳам ташвишлидир.

Вилоятда кадрлар кўнимсизлиги авж олди. Ҳар хил соҳадаги ва даражадаги раҳбарлар ҳудудда тез-тез алмаштирилди. Бундай ўзбошимчилик, табиийки, ишлаб чиқариш жараёнининг кайфиятига оғир таъсир кўрсатиб кетди.

Эл фаровонлигини, турмушини ўйлаган раҳбаргина эл ўртасида обрў-эътибор қозонади. Бу ҳақиқатни Президентимиз ўз маърузасида алоҳида бўрттириб, таъкидлаб кўрсатдилар. «Гап ишлаб чиқариш ҳақида эмас, пахта ёки галла ҳақида эмас. Сўз, биринчи навбатда, одамларнинг турмуши, ижтимоий масалалар ҳақида кетган», — дейилади маърузанинг бир ўрнида. Дарҳақиқат, одамларнинг турмуши, ижтимоий муаммолари ҳар қандай ҳақиқий раҳбарнинг диққат марказида турмоғи керак. Президентимиз маърузасида шундай жиҳатдаги саволлар қўйилди: «Магазиларда етарли мол борми-йўқми? Одамларнинг ўз эҳтиёжларига керакли молларни сотиб олиши учун пули, ойлиги борми? Нафақалар ўз вақтида берилаятими? Деҳқонлар ўз вақтида маошларини кўраётдиларми? Касалхоналарда аҳвол қандай? Дори-дармон таъминоти қандай? Мактабларда аҳвол қандай? Муаллимларни дардини ўйлайдиган, фарзандлар тақдирини ўйлаётган раҳбарлар борми? Санитария аҳволи қандай? Аҳолини тоза сув, газ билан таъминлаш қай даражада? Мелисациянинг ўз бурчларини бажариши қандай? Ёки уларнинг ўзларини тартибга чақириб керакми? Бу каби саволларнинг охири йўқ».

Халқни ўйлайдиган раҳбар айни ана шу масала-

ларни кўнгилдагидай ҳал қилиш билан жиддий шуғулланилади. Бундай муаммолар эса деярли ҳар бир туманда, вилоятда учрайди. Демакки, халқимиз ўз раҳбарларига баҳо берад экан, уларнинг кимлиги, фаолиятига ана шундай саволларни мезон қилиб олиши табиийдир. Қолбуки, Қашқадарё вилоятида аҳолининг ҳозирги кундаги турмуш даражаси, ижтимоий аҳволи тўғрисида юқоридагидек саволлар тили билангина таъбир мумкин, холос. Масалан, Қарши, Ғузор, Шаҳ-

рилган. Жинойтчилик вилоят ички ишлар ва бошқа маъмурий идоралар ходимлари томонидан ҳам содир этилиб келинди. Иқтисодий жинойят ва коррупция ўсиб борди...

Турган гап, бундай ярамас ҳолат беиз қолмайди. Жумладан, аҳолининг норозилиги ва раҳбарликка ишонсизлигини кучайтиради. Вилоятда ҳуқуқ-тартибот органларидан норози бўлиб ёзилган хатлар сони 1997 йилда 1996 йилдагига нисбатан 5 баробар, халқ таълими, соғлиқни сақлаш соҳа-

Иқтисодиёт соҳасида давлатимизнинг ҳозирги ягона сиёсати нимадан иборат, деган савол, дарҳақиқат, энг долзарб, жавобгалаб масалалардан биридир. Маълумки, ҳозирги иқтисодиёт кескин ислохотлар ичида тубдан ўзгармоқда. Ўзбекистон иқтисодиёти энг замонавий технология билан қуролланмоқда, чиқарилаётган маҳсулотларимизнинг сифатини ҳам жаҳон андозалари билан баҳолаш бош мезонга айланаяпти. Жойларда мулкка ва меҳнатга янгича муносабатни тарбиялаш,

барларимиз орасида бундай тушуنча чуқур қадр-қиммат топган, деб айта олаймиз. Орамизда ҳали-ҳануз ташаббуссиз, кимнингдир турткисини кутиб турадиганларимиз, бошловчи бўлса, у ёғига боса-бос деб ҳовлиқиб қоладиганларимиз ҳам йўқ эмас. Қоғозда турли талбирларни жим-жимдор қилиб ёзиб қўйиб, энди марра бизники дейилганларимиз, ёки қаттиқ таъкид менга тегмади-ку, деб хотиржам ўтирадиганларимиз камми? Рўқча қилиш учун эмас,

лотлар, муассасалар, вазирилари ва матбуот органларига ҳам тез-тез келиб туради. Масалан, биргина «Халқ сўзи» газетаси тахририятига кейинги уч ой мобайнида жойлардан 263 та шикоят хатларидан келди. Уларда, асосан, ижтимоий муаммолар кўтарилди, ҳуқуқ-тартибот, солиқ идоралари, халқ таълими, тиббиёт, автотранспорт хизмати, қишлоқ ҳўжалиги иқтисодиёти билан боғлиқ жойлардаги муаммолар қаламга олинди. Ариза-шикоятларнинг аксарияти Қашқадарё, Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келади. Жойлардаги ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолияти ҳақида айниқса кўп қабат эътирозлар билдирилмоқда. Шунингдек, хатларда мулкчиликни ҳуқуқийлаштириш, банк, молия-кредит соҳалари, деҳқон-фермер ҳўжалиқларига ер ажратиш, нафақа ва ойлик маошларини тарқатиш, уй-жой қурилиши, акциядорлик тизимлари ва бошқа соҳаларда йўл қўйилмаётган нуқсонлардан норозиликлар баён қилинган.

Олий Мажлисида ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — АСОСИЙ МАҚСАД

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида оила ҳимояси ва меҳнат ҳуқуқлари, Ўзбекистон Республикаси оғир жиноят ва суд органларининг инсон ҳуқуқлари ҳимояси соҳасидаги ўзаро ҳамкорлиги масалалари буйича анжуманлар бўлиб ўтди. Анжумани Олий Мажлис Раиси ўринбосари А. Қосимов очди. Анжуманда БМТнинг тараққиёт дастури экспертлари Нур Фароғат, Яхё ал-Жамол, Т. Салвартнамлар сўзга чиқиб, мамлакатимиз ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар, аёлларнинг оила, жамият ва мамлакатда шахс сифатидаги ўрни ҳақида гапирдилар. Анжуман Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари буйича вакили (обмудеман), Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари буйича Миллий марказ, республика Олий Суди ташаббуслари билан БМТнинг тараққиёт дастурига мувофиқ ташкил этилиб, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганнинг 50 йиллигига бағишланди. Анжуманда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари буйича вакили С. Рашидова сўзга чиқди. Шунингдек, анжуманда Олий Мажлис қўмиталари, Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари буйича вакили ҳузуридаги Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги комиссия ва эксперт Кенгаши, Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Қўролчи кучи, вазирилари ва таъкилотлар, «Маҳалла», «Қамолот», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, оммавий-ахборот воситалари вакиллари иштирок этидилар. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонини қўмончилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар буйича экспертлар гуруҳи раҳбари Й. Назаров иштирок этди.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

# РАҲБАР — ЭЛНИНГ ОЛДИНГИ ОДАМИ

рисабз туманларида 2 ёшга тўлмаган болаларга 193 миллион сўмлик, 16 ёшгача бўлган болалар учун бериладиган 75 миллион сўмлик нафақа тўланмаган. Деҳқонларнинг иш ҳақи буйича қарз 96 миллион сўми ташкил этади. Умуман олганда, вилоят меҳнатқашларининг салкам 1,5 миллиард сўмлик иш ҳақи тўланмаган. Аҳолини озиқ-овқат таъминоти билан таъминлаш ҳам ушбу йилда. Мактаб ва боғчаларнинг аҳволи яхши эмас. Янги лисей ва коллежлар учун бинолар қурилиши юз бермади. Булар нимага қўйилди? Раҳбар одам, энг аввало, халқ, Ватан манфаатини ўз фаолиятининг негизига айлантириши керак. Унинг бутун куч-ғайрати, ақл-идроки, салоҳиятини ва имкониятларини кўпқиррали иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги давлатимиз ягона сиёсатининг бажарилишига йўналтириши лозим. Раҳбарларимиздан ҳар бири юқоридаги маърузада айтилган бу фикрнинг моҳиятини кўқур мулоҳаза қилиб кўрсалар бўларди.

си кадрларнинг лавозимларини суиестемол қилаётганидан норози бўлиб шикоят хатлари ёзган одамлар сони бир неча баробар ошган. Воҳода одамларнинг аҳоли, уларнинг дардлари, эҳтиёжлари кўп жойларда ва кўп ҳолатларда эътиборсиз қолаётганлиги сабабли мана шундай шикоятбозликлар ўз-ўзидан кучайиб кетади. Президентимиз ўз маърузасида раҳбарликнинг энг муҳим, белгиланган мезонларига ҳам кенг жамоатчиликнинг диққатини қаратди. Булар нимага қўйилди? Раҳбар одам, энг аввало, халқ, Ватан манфаатини ўз фаолиятининг негизига айлантириши керак. Унинг бутун куч-ғайрати, ақл-идроки, салоҳиятини ва имкониятларини кўпқиррали иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги давлатимиз ягона сиёсатининг бажарилишига йўналтириши лозим. Раҳбарларимиздан ҳар бири юқоридаги маърузада айтилган бу фикрнинг моҳиятини кўқур мулоҳаза қилиб кўрсалар бўларди.

шакллантириш, ривожлантириш, худди шу масалаларга бағишланган Президентимизнинг фармонлари, ҳукумат қарорлари, республика Олий Мажлисида тайёрланаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини чуқур идрок этиб, уларни сўзсиз, ўз вақтида амалга ошириш талаб қилинади. Шунингдек, қишлоқ жойларда тадбиркорликни кенг ривожлантириш, янги иш жойларини ташкил этишга эҳтиёж катта. Бозор иқтисодиёти билан боғлиқ оммавий тафаккурни соғлом, оқилона ва ҳаётий, самарали йўналишларда шакллантириш ҳам ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бўлиб қоляпти. Кўриниб турибдики, булутни раҳбар ҳаммамиз тушунадиган маънодаги шунчаки раҳбар — иш бошқарувчиси эмас, балки янги тафаккурли намоёнда бўлиши лозим. Бу раҳбар аввало комил инсон, халққа эҳтироми бандан, шунингдек, етук замонавий мутахассис, теран иқтисодий билимли инсон бўлиши талаб қилинади. Афсуски, ҳозирги раҳ-

балки ҳар биримиз давлатимизга, жамиятимизга елкадош бўлиб оғирини енгилиб этиш учун меҳнат қилишимиз керак эмасми? Раҳбарликнинг энг буюк мезони, Президентимиз доимо таъкидлаб келаётганлиги, адолатлар, адолатпарварликдир. Унинг учун адолат ҳамма нарсадан устун бўлиши зарур. Раҳбарнинг адолат ҳис-туйғуси кадрлар танлашда ҳам, халқ турмушига муносабатда ҳам, уларнинг шикоят ва аризаларига кенг феъллилик билан эътибор кўрсатишда ҳам намоён бўлади. Шундай раҳбаргина эл ишончини қозонади. Президентимизнинг халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашида сўзлаган маърузаларида тилга олинган муаммолар, афсуски, бошқа вилоятларда ҳам тез-тез учраб туради. Ўзинга яраша димоғдор, амалпараст, эл-юртдан кўра шахсий манфаатини кўпроқ ўйлайдиган раҳбар шахслар яққо-ягона эмас. Уларнинг дастидан халқнинг ариза ва шикоят хатлари марказий ташки-

Хуллас, давлат ва халқ билдириб тасвир лавозимларга муносиб қўрилган раҳбарлар жамият, давлат олдидagi ўз масъулиятини чуқур ҳис қилмоқлари керак. Бутунги ҳаётнинг тарзи, тараққиёти, бошланган улкан ислохотларнинг муваффақияти, жумладан, раҳбарларнинг фидойилиги, ватанпарварлиги, билимдонлиги, уларнинг маънавий-инсоний фазилатларига ҳам жуда-жуда боғлиқдир. Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашининг ақуналари бизни ана шундай хулосаларга олиб келади. Раҳбарлик — амал, ижтимоий мавқега эмас, у энг аввало ноҳир касб. Бундай шахслар ўзларининг ҳар жиҳатдан элнинг олдинги одамлари эканлигини асло унутмасликлари шарт.

Аббосхон УСМОНОВ.

# ДОРИ-ДАРМОН — СОҒЛИҚ ГАРОВИ

Кеча Олий Мажлис Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни қўмита раиси Гулнора Йўлдошева олиб борди. Мажлисида «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг Сурхондарё вилоятида ижроси ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Ушбу Қонуннинг Сурхондарёдаги ижросининг ҳолати ҳусусида вилоят ҳокими ўринбосари Шарофат Норбоева, қўмита раисининг ўринбосари Мўътабар Содиқовалар ахборот берди. Мажлисида вилоятда ушбу Қонуннинг ижросида ютуқлар билан биргаликда айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилмаётганлиги таъкидланди. Масалан, акционерлик жамиятига қарашли дорихоналарнинг 60 фоизи санитария қоида ва меъёрига жавоб берайди. Ангор тумани марказий касалхонаси қоидадаги дорихона дори тайёрлашдаги қондубозарлиги учун шу йилнинг 28 апрелида вилоят «Сурхондорлардон» акционерлик бирлашмасининг назорат-таҳлил лабораторияси томонидан етилганлиги қарамасдан камчиликлар бартараф этилмади, бу ўз фаолиятини яна давом эттирганини аниқлади. Вилоят бундан 127 ҳусусий дорихоналарнинг 36 таси маҳсулоти, 91 таси молаштираш бинасида жойлашган бўлиб, санитария қоидаларига жавоб берайди. Дориларнинг аксарияти қисми ҳарорат режимига риоя қилинмасдан сақланмоқда. Уларнинг аксариятида давлат рўйхати киритилмаган, тиббиёт амалиётида қўлланишга рухсат этилмаган дорилар қайд қилинган. Мажлисида қўмита текшириш хулосалари, билдирилган тақлиф ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда тегишли қарор қабул қилди. Мажлисида Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Шодиева сўзга чиқди.

И. ХУДОЁВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

# Япониялик молиячилар ташрифи

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япониянинг «Номура секюритиз Ко» молия компанияси вакиллари билан иборат делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси давлат мулкчи бошқаруш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасига ташриф буюрди. Бош вазир ўринбосари, қўмита раиси В.Чжен меҳмонларга мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, корхоналарни структуравий қайта қуриш, қимматбаҳо қўғозлар бозорини ривожлантириш борасида амалга ошириладиган ишлар ҳақида гапириб берди. Учрашувда молия ва иқтисодиёт соҳаларида ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди. Шу кун «Номура секюритиз Ко» молия компанияси делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирига ҳамда Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкда ҳам бўлиб, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан музокара ўтказди.

(ЎЗА)



ЙЎЛОВЧИЛАР СОЯБОНСИЗ ҚОЛИШМАЙДИ

«Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг Фарғона бўлими масофаларида янги бекатлар қурилиб, бирин-кетин фойдаланишга топширилмоқда. Яқинда Андархон қишлоғидаги 136-разъездада қурилиб йўловчилар хизматига тақдим қилинган бекат буюк аллома Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик тўйига бағишланди. Бекатни Фарғона фуқаро иншоотларини қуриш корхонасининг қурувчилари бунёд қилдилар. Шунингдек, корхона жамоаси Қувасой, Хонобод, Ҳўқўрғон шаҳарларида қурилган шохбекатларни ҳам республикамиз Мустақиллиги байрами кунига битказиб, фойдаланишга топширишга аҳд қилган. Ҳа, бундай фидойилар бор экан, йўловчилар ҳеч қачон соябонсиз қолишмайди.

**СУРАТЛАРДА:** корхона бошлиги Азимжон Раҳимов Андархон бекатини қурган ишчилар Ҳўмонжон Эргашев, Мухаммаджон Солиев, Акрамжон Ганиев, Тоҳиржон Гафуров ҳамда иш юритувчи Брейтор Николайларни табриклиётди; корхона алоқа бўлими электр механизми Мухаммаджон Ҳасанов ҳамда янги бекат қуришиши.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

**МАШАД ЧОЙИ**  
Уйчи туманидаги Машад қишлоғи фуқаролар йиғини ҳудудида «Ал-жаҳон» ўзбек-хитой қўшма корхонаси иш бошлаганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамадан, меҳнат аҳди мижозлар ҳурмат-эътиборига сазовор бўлмоқда. Сабаби — бу ерда чой қадокланиб, Фарғона водийси дўконларига пешма-пеш етказиб берилмоқда. Корхонада 20 нафар киши ишламоқда. Улар кунига 3,5 тонна чой қадоклаётлар.

М. ҚОДИРОВ.

«Мусулмон — мусулмоннинг ойнасидир. Уда бирор камчилик ёки нуқсонни кўрса, дарҳол тузатиб қўлади».

(Ҳадиси Шарифдан).

Республикамиз Олий Мажлисининг яқинда бўлиб ўтган XI сессиясида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун янги тахрирда қабул қилинди. Сессияда айрим жойларда масжидларнинг имом хатиблигига нопок, саводсиз одамлар тайинланаётганлиги, натижада ушбу масжидлар атрофида носоғлом вазият вужудга келиб, турли диний-экстремистик оқимлар пайдо бўлаётганлиги алоҳида таъкидланди. Зеро, билимсизлик ҳўмрон бўлган жойда шубҳасиз жаҳолат томир отади, жинойтга йўл очилади.

Мана бунга бир мисол: Амударёдаги «Юсуф Эшонбобо» жомеъ масжиди қавми диний ёки махсус маълумоти бўлмасда-ёки, гайратли, иймон-эътиқодли деб Қўчқор Бекимбетовга катта ишонч билдириб, имом қилиб сайлашди. Таассуфлар бўлсинки, масжид биноси қурилишига аталган хайрухонлар, маб-лавлар қўлига кириши билан Қўчқорбойнинг асл башараси кўрнма бошлади. ... 1991 йилда Қўчқор Бекимбетов туман йўл қурилиши ва таъмирлаш корхонасининг бош ҳисобчиси, ўз

ҳамқишлоғи Иброҳим Камоловни ўриндошлиги йўли билан ишга олди. Аввалига давлат қонунларини, ҳисоб-китоб

«Пахтабанк»даги назоратчилар бир вақтинг ўзида бир шахснинг имзоси икки корхона жорий ҳисобига ўтмаслигини ай-

тишганда, зудлик билан ўғли — 6-синф ўқувчиси Иқром Камоловни масжид мутаваallisи сифатида ҳўжжатлаштириди, унингнинг имзоси билан банк операцияларини амалга оширади. Бу билан давлат банкни ҳам, ушбу ҳўжжати тасдиқлаб берган Қорақалпоғистон Республикаси қозғати мутаасаддиларининг ҳам кўзларини шамгалит қилади. Ҳўш айнаса туз соларлар, туз айнаса не қиларлар? Қўчқор Бекимбетов кўпсонли дин пешволарининг раҳбари буна туриб, нега бундай ноҳўжа ҳаракаتلарга йўл қўйиб берди? Бу саволга ўтган йилнинг 11 декабрь кўни Қорақалпоғистон Олий судида бўлиб ўтган суд жараёнида жавоб топилди. Қўчқор Бекимбетов Ўзбекистон Республикаси жиноят мажму-

сининг 205-моддаси 1 банди, 209-моддаси 1 банди билан, мутавалли Иброҳим Камолов эса Ўзбекистон Республикаси жиноят мажмуасининг 167-моддаси «б» ва «в» бандлари, 209-моддаси 1 банди билан айбдор деб топилди. Ҳуқуқий

жамият қуриш сари интишётган давлатимизнинг асосий тамойилларидан бири инсонпарварликдир. Мамлакатимиз Президентининг 1996 йил 7 августдаги ва 1997 йил 3 декабрдаги «Амнистия тўғрисида»ги Фармонларига биноан ҳар икки жиноятчи ҳам жазони ўташдан озод этилдилар.

Масжид имомининг саргузаштлари бу билан тугамайди. 1996 йилда масжиднинг молиявий фаолияти туман ҳўкимиятининг нуфузли комиссияси томонидан тафтиш қилинганда 28 минг 364 сўм 42 тийин камомад чиққан эди. Ҳалоллик, ростўйлик, ибодат ва зиёрат маскани бўлиши табарруқ дармоҳ — масжид касасидан камомад чиққанини ҳеч эшитганмисиз? Мабодо

мулла Қўчқор масжиддаги ҳисоб-китоб ишларини «тажрибали иқтисодчи» мутавалли Иброҳим Камолов зиммасига топшириб қўймай, ўзи қаттиқ назорат қилиб борганида бу кўнларга тушмас, эл олдига юзи шувут бўлиб, кассадан

сига тайинланган деб кўрсатиб, қаллоблик қилган. Унинг бу қирққорни ҳўсулмонлар идорасининг 1997 йил 16 май кунги 118-сонли буйруғига биноан идоранинг масжидлар бўлими мудири Абдуқодир Ҳайдаров, тафтиш ҳайъати бошлиғи Абдураҳмон Ҳайдаров, ҳўқуқий маслаҳатчи Бахтиёр Обидов ва республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси масъул ходими Салим Мелиқуловлар томонидан ўтказилган текширишда унинг айби тўла тасдиқланди.

Қўчқор Бекимбетовдан судда нега бундай жиноятга қўл урдингиз, деб сўрашганида, билими йўқлигини, тушулмаганлигини баҳона қилди. Масжид жамоат йиғилладиган, фикрлар, қарашлар шаклланадиган жой. Шундай экан, имом ҳам диний, ҳам дунёвий билимларни пухта эгаллаган бўлиши керак эмасми? Намангандаги ноҳўш воқеаларга ҳам шу билимсизлик сабаб бўлганлики. Қўчқор Бекимбетовдан судда нега бундай жиноятга қўл урдингиз, деб сўрашганида, билими йўқлигини, тушулмаганлигини баҳона қилди. Масжид жамоат йиғилладиган, фикрлар, қарашлар шаклланадиган жой. Шундай экан, имом ҳам диний, ҳам дунёвий билимларни пухта эгаллаган бўлиши керак эмасми? Намангандаги ноҳўш воқеаларга ҳам шу билимсизлик сабаб бўлганлики.

Йўлдош ҲАРАЛИЕВ, фахрий пенсионер. ШУҚУРУЛЛО ҲУСУПОВ, фахрий пенсионер. Ҳайитбой АБДУСОДИҚОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

# МЕҲРОБ ОСТИДАГИ ФИРИБГАР

ни, ҳўжжатларни яхши биландиган, олқий маълумотли, тажрибали киши танланганидан барча хурсанд бўлган эди. Лекин надоматлар бўлсинки, унинг бу хатти-ҳаракати қўйни бўрига топшириш бўлиб чиқди. Масжиднинг молиявий фаолияти билан ҳеч қим қизиқмаётганлигидан фойдаланиб, И. Камолов ноқонуний йўллар билан масжид маблагларини ўз ҳисобига ўзлаштириб бошлади. Жумладан, «Оқ олтин» жамоа ҳўжалиги томонидан масжидга хайрия сифатида берилган 100 000 (юз минг) сўмлик кесела иккинчи нисхонаси, яъни туман йўл қурилиши ва таъмирлаш бошқармасининг муҳрини босади ва бозорга олиб чиқиб номалум одамларга 70000 (етмиш минг) сўмга сотиб юборади. Бундан ташқари, Мангит

жамият қуриш сари интишётган давлатимизнинг асосий тамойилларидан бири инсонпарварликдир. Мамлакатимиз Президентининг 1996 йил 7 августдаги ва 1997 йил 3 декабрдаги «Амнистия тўғрисида»ги Фармонларига биноан ҳар икки жиноятчи ҳам жазони ўташдан озод этилдилар. Масжид имомининг саргузаштлари бу билан тугамайди. 1996 йилда масжиднинг молиявий фаолияти туман ҳўкимиятининг нуфузли комиссияси томонидан тафтиш қилинганда 28 минг 364 сўм 42 тийин камомад чиққан эди. Ҳалоллик, ростўйлик, ибодат ва зиёрат маскани бўлиши табарруқ дармоҳ — масжид касасидан камомад чиққанини ҳеч эшитганмисиз? Мабодо

шунча камомад чиқиб, хижолат бўлмас эди. «Таъмагирилик уламолар қўлидаги ҳикмати ҳам кетказилди», дея лўф этганлар жанооби Пайғамбаримиз. Комиссия аъзолари тўпол ведомостларида кимларгадир, нима учундир иш ҳақи тарзида ёзилган анча миқдордаги пулларни ҳам ўзларини ўзлаштирганлигини аниқлашди. Қўчқор Бекимбетов Ўзбекистон Республикаси муеулмонлари идораси раиси томонидан 1996 йил 10 июлдан эътиборан (182-сонли идора қарори билан) вазифасидан озод этилган. Лекин у қандайдир йўллар билан маъмур мўътабар идоранинг муҳри босилган муеулмо қўғоз (бланк)ни қўлга киритиб, унда тўғ ўзини қайтадан имом вазифа-



ТАЪЛИМ ВА

«ТИЖОРАТ СИРИ» ВА ТАЛАБА

ИСЛОҲОТ

Қадрлар тайёрлашнинг Миллий дастурида ишлаб чиқариш ва таълим тизими ҳамкорлигини ривожлантириш лозимлиги таъкидлаб ўтилган. Шунинг эътиборига олиб...

Қадрлар тайёрлашнинг Миллий дастурида ишлаб чиқариш ва таълим тизими ҳамкорлигини ривожлантириш лозимлиги таъкидлаб ўтилган. Шунинг эътиборига олиб...

Қадрлар тайёрлашнинг Миллий дастурида ишлаб чиқариш ва таълим тизими ҳамкорлигини ривожлантириш лозимлиги таъкидлаб ўтилган. Шунинг эътиборига олиб...

Қадрлар тайёрлашнинг Миллий дастурида ишлаб чиқариш ва таълим тизими ҳамкорлигини ривожлантириш лозимлиги таъкидлаб ўтилган. Шунинг эътиборига олиб...


лотларининг ходимлари талабалар ўқишининг 1—2-курсларидаёқ уларнинг ўзлаштириши, амалиёт ўташи ва бошқа жараёнлар билан қизиқиб...

Анжуман қатнашчилари молия, банк, солиқ ва бошқа соҳаларга оид иқтисод мутахассисларини тайёрлаш учун ҳар йили давлат буюртмасини белгилаб кўйиш таълим тизимини ривожлантиришнинг муҳим омил...

Анжуманда Молия-банк, солиқ ва сугурта ташкилотларини иқтисодий таълимнинг асослари, олий ўқув юртига моддий-техника базасини мустақамлашда ҳомийлик ёрдами кўрсатиш...

Анжуман охирида молия ва иқтисодий таълимни ривожлантириш, унинг ишлаб чиқариш билан алоқасини ривожлантириш буйича қарор ва тақдирлар қабул қилинди.

Ашур ҚОДИРОВ, Ўзбекистон Марказий банки раисининг муовини. Закир Йўлдошев, Тошкент молия институти ректорининг муовини.



БОШ МИНОРА — ЭНГ МУҲТАШАМ КОПОНА

Бу йил кузда буюк ватандошимиз, ҳаёис илми султони Имом ал-Бухорий таваллудига 1225 йил тўғди. Шу муносабат билан ҳазрат хоки пойи мансу кўшим топган Челек туманидаги Хартанг қишлоғида кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари давом этмоқда. Эски масжид ва мақбара ўрнида ҳашаматли қопона — замонавий меъморилик намуналари билан уйғунлашган, қадимий миллий анъаналарни ўзида мужассамлаштирган бетакрор ёдгорлик мажмуаси бунёд этилаётган. 17,5 метр баландликка буй чўздиган бош минора қурилиши Самарқанд қурилиш-таъмирлаш бошқармасининг «Меъмор-96» қурилиш ташкилати бажаришда. Иш икки сенада ташкил этилган. Қурилиш материаллари узлуксиз етказилиб турилибди.

СУРАТЛАРДА: бош минора қурилишида; усталардан бир гуруҳи. Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎА) олган суратлар.

«ЎЗБЕКРАҚС» БЕЛЬГИЯДА

25 майдан 2 июнгача Бельгиянинг Сен-Гилен шаҳрида XV халқаро фольклор ракс фестивали бўлиб ўтди. Унда Болгария, Венгрия, Германия, Испания, Хитой, Колумбия, Мексика, Поляна, Швейцария ва жаҳоннинг бошқа мамлакатларидан таниқли жамоалар қатнашди. Фестивалда Ўзбекистон номидан «Ўзбекрақс» ракс дастаси иштирок этди.

Санъаткорларимизнинг фестивал доирасидаги чиқишлари Бельгияда 21 майдан бошланди. Ўзбек миллий ашула ва ракс ижрочиларининг маҳорати бельгиялик томобинларни мафтун этди. «Ўзбекрақс»нинг барча концертлари Брюсселнинг фестивал залда олқишларга сазовор бўлди. Ҳамюртларимиз мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ҳам муваффақиятли чиқиш қилдилар.

«Жаҳон» АА.

Тиш оғриғини тутиб, Қоракмиш мавзисидagi «Дилшод-Дента» хусусий стоматология корхонасига бордим. Шифохонага қараканман, бу ердаги озодалик, шифокорларнинг беморларга ниҳоятда самимий ҳушмуомаласини кўриб дилим ёришди. Билимдон табиблар, қўли енгил ҳамшираларнинг меҳрибонликла-

ХУСУСИЙ ТИШ ШИФОХОНАСИ. Advertisement for a private dental clinic with a photo of a patient and a doctor.

ри-ю муолажалари туфайли тиш оғриғини кўз очиб юмганга таққд тўхтати. «Дилшод-Дента» хусусий стоматология корхонасининг раҳбари Назифа опа Йлсвовани суҳбатта тордим.

— Поликленикамиз 1995 йил май ойида давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусий мулк сифатида бизнинг иқтиёрига топширилди. Корхонани хусусийлаштирган пайтимида давлатдан 39 минг сўм қардор эдик. Бунинг устига, асбоб-ускуналарнинг барчаси эски, ҳатто беморларни қабул қиладиган хонанинг ўзи ҳам таъмирлалаб эди. Бир йил давомида ойлик маошдан воз кечиб ишлаган пайтларимиз ҳам бўлган. Биз илгари, яъни 1972 йилдан буён Собир Раҳимов туманидаги 7-стоматология поликлиникасининг тиш қўйиш бўлими таркибига фаолият кўрсатардик. Алоҳида ажралиб чиққан, жой масаласида анча муаммоли вазиетларга дуч келидик. «Барибир излаган имкон топлар» деган ҳикматга амал қилиб, ишлагани лавоим этиштирилди.

— Нечта бўлимингиз бор? — Бошида биргина тиш қўйиш бўлимининг очиб иш бошлаган бўлсак, ҳозирга келиб корхонамизга рехтен, даволаш, жарроҳлик ва тиш қўйиш бўлимларини фаолият кўрсатмоқда. Хусусийлаштиришдан сўнг металл қуйиш печларини олиб келиб, кичик цехни ишга тутирдимиз ва зангламайидиган пўлатни шу цехда чиқариб, амалиётда яхшигина фойдаланамиз.

— Мураккаб эгалик ҳисси қонимизда ётган мудроқ турғуларни уйғотиб, нималарини яратиб, кенгайтиришга ундайд. Масалан, шахсий

Table with 2 columns: Name and Address/Phone. Includes names like ҚОДИРОВ, ҚОДИРОВ, ҚОДИРОВ, ҚОДИРОВ, ҚОДИРОВ.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди: 00.25 1 2 3 4 5 6

Малик Абзалов «Чинор остидаги дуэль», «Суюнчи», «Келгиллар кўзголини», «Армон», «Майсарининг иши» каби бир қатор фильмлари ва кинода ўйнаган роллари билан Ўзбек томошабинларига яхши таниш. Қасбга сарфоти, эҳтишотли меҳнатлари эвазига Ўзбек киносида ўзига хос ўрни бор. Ана шу меҳнатлари муносиб тақдирланиб, Малик Абзаловга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвони берилган.

Киночилар ўйида режиссёр «Ўтган кунлар» романи асосида суратга олган шу номдаги янги фильмнинг тақдироти муваффақиятли ўтди. Шу муносабат билан Малик Абзаловни суҳбатда чорладик.

— «Ўтган кунлар»нинг янги кино талқини қачон шит қилгансиз? — Ҳн йиллардан ошди. Саксонинчи йиллар охири-тўқсонинчи йиллар бошида олти серияли телевизион бадиий фильм яратилган ҳам урниниб кўрган эдик. Бироқ имконият бўлмади, охирига етказолмагандик.

Фақат истиқлол, Ватанимизнинг мустақиллиги туфайлигина орзуимизни рўёбга чиқариш имкони туғилди, эзгу ниятни амалга оширишга мўъссар бўлдик. Фильмни суратга олишда «Ўзбеккино» компанияси ҳар томонлама кўмак берди. Фильм сценарийсини ёзишда Ҳотам Файзиев ва буюк ёзувчимизнинг набираси Хонданвор Қодирий билан ҳамкорлик қилдик.

— Уй-фирқингизда, актёрларнинг кўз ўнгида атоқли режиссёрларимиздан бўлгани Йўлдош Азизов бундан ўттиз йиллар олдин суратга олган, ҳар бир ўзбек томошабинига ёд бўлиб кетган «Ўтган кунлар» турган бўлса, ажаб эмас. — Тўғри, Абдулла Қодирий асарларини, айниқса унинг шох асарини, нафақат унинг, балки бутун ўзбек алабётигининг энг мумтоз романини кино қилиш шарафли ва шу билан бирга ўта масъулиятли эканлигини айтиб ўтирмайман. Бунинг устига Йўлдош ақанинг фильми ҳануз томошабинларнинг из-

— Олдинги фильмда икки асосий образ — Отабек ва Кумуш ролини ўйнаб томошабинлар муҳаббатига сазовор бўлган, бироқ эндиликда бирмунча «уйғайган» Ўлмас Алиҳўжаев ва Гулҳебра Жамилова Мирзакўлининг кутилор ва Офтоб ойм ролларига тақдиф қилиш билан қандайдир узвийликни таъминлашга ин-

тилдик. Отабек ролига бир неча номзодларни синаб кўрдик. Шулар ичида Бехўд Муҳаммадқаримов синовлан муваффақиятли ўтди. Менимча, у ёмон ўйнамади, ролга бор вужуди билан киришиб кета олди. У Отабекни бутун қиёфасидан чуқур мулоҳазақорлик, самимият, шижоат ва мардлик балқиб турган, ёниб турган ақли кўзалари Ваган, миллат қайиғини чеқкан фидойи ўзбек йиғини сифатида талқин қилишга, унинг оғриқини изтиробларини томошабинга етказишга ҳаракат қилди.

Олдинги фильмда Юсуфбек ҳожи кўпроқ юмшоқ табиатли, кимсага озор етказмайдиган, кўнглидан одам сифатида талқин қилингандай таассурот қолар эди. Ҳолбуки, у юрта таниқли давлат ва жамоат арбоби бўлган. Ёқуб Аҳмедов ижросидаги Юсуфбек ҳожида эса қатъият, давлат ар-

бобиға хос фикрлаш, қалпс вазиетларда чуқур мулоҳазақорлик билан иш юритиш жиҳатлари бўртиб турди. Лола Ёлтоева тугма талант. Унинг ижросидаги Зайнаб томошабинда нафрат билан бир-галликда давр, шароит, тақдир кўрғиликлари қурбони сифатида қандайдир ачиниш уйғотилади. Ўн етти ёшга кирган қизимиз Шаҳнозада Дилмурод қиз ижросидаги Кумуш образи ҳам халқимизга манзур бўлади, деб ўйлайман. У ҳам кўнлаб «кумушлар» ичидан голиб чиқиб, бу ролга тақдиф қилинди. Бу қизни биринчи марта хореография билан юрти талабалари орасида кўрганимиздаёқ, нечундир «унда табиий актёрлик қобилияти бор, қўли ҳиссиётга тўла, уни юзага чиқариш йўлини излаш, қўлини санъатга эш қилиш керак», деган уйга келдим. Сўхбатлашдик, романини ўқиган эдик. Репетиция давомида Кумуш образи устида биргалликда изландик.

— Ушай ёзувчимизнинг романида икки йўналиш, яъни муҳаббат мўъжраси ва давр таассури, ижтимоий-сиёсий

қарашлар фалсафаси ёлма-ён қилибди. Сиз асарингизни толақшида буниг қай бирини асосий йўналиш қилиб олшини, бўртиришини ният қилган эдингиз? — Биз бу икки йўналишни бир-бирига қарши қўйиб, бирига қамроқ, бошқасига кўпроқ эътибор бериш йўлидан бормадик. Қодирий ўзи айтмоқчи бўлган фикрларни образлар, Отабек ва Кумушнинг муҳаббати воситасида чиройли бир тарзда берган. Биз, юқорида айтганимдек, ёзувчининг изидан бордик, шиддат билан воқеалар гирдобига кириб боришга, фожиали хотима билан хулосалашга интилдик.

— Фильмдан ўзингиз қониқмаган ўринлар ҳам бўлдими? — Оммавий саҳналарга, кенг кўламли тасвирларга кўп ўрин бера олмадик. Уста Олим айтиб берган мунгли Саодат қиссасини бир ретро, «хўқон»нинг ичидаги ҳикоя» сифатида суратга олишни, асосий воқеаларга синглириб юборишни ният қилган эдик, бунинг имкони бўлмади.

— Фильмни суратга олиш жараёни ҳақида тўхталсангиз. Кутидорнинг ҳовлиси Марғуллада, Юсуфбек ҳожи уйи Тошкентда суратга олинган бўлса керак? — Йўқ, ундай эмас. Мирзакўли кутидорнинг ҳовлисини биз Андижонда бир вақтлар хорижта бош олиб кетган Аҳмад ҳожининг ташландик,

хароба ҳовлисида «топдик». Виллоят ҳокимини ёрламоқда уни ўзимиз «таъмирдан» чиқардик ва кутидорнинг ҳовлиси билан боғлиқ воқеаларни ўша ерда суратга олдик. Юсуфбек ҳожининг уйини ҳам Бухородан, ҳозир уй-музей бўлган Файзулла Ҳўжаевнинг отасини уйдан «топдик». Кўқон воқеалари Ҳудёроҳон ўрдасида суратга олинди, фақат Ҳудёроҳоннинг тахтини ўзимиз ясадик, ҳолос. Бутун либослар, тақинчоқлар, уй анжомлари масаласида Кўқон, Бухоро, Хива музейлари ходимлари катта ёрдам берди. Бир кўринишдаги Юсуфбек ҳожининг эгидидаги зар чопон айнан Бухоро амирининг чопони эканлигини айтиб ўтмоқчиман.

— Ўнла мумтоз асарларимизга мурожат қилиш ниятингиз борми? — Кўпдан бери экранда Бобур сиймосини бадалантиришни уйлаб юраман. Худо ок йўл берса, шу ниятнинг амалга ошироқчиман.

Дониёр БЕГИМҚУЛОВ сўхбатлашди.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО» logo and contact information for the newspaper.

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилр Маҳкамаси.

ЎЗЛИМЛАР: Парламент 133-57-34; Хўқон ва қонунчилик 136-07-94; Иқтисодий 136-36-65; Қашқар хўжалиги 136-37-85; Мобиллик 136-35-60, 132-10-65; Хатлар 136-29-89, 133-07-48; Фил, туризм, спорт ва харбий таълимлар 132-12-04; Халқаро ҳидат 132-11-15; Котибхона 133-10-28; Ўқувлар 136-09-25.

«МАНЗИЛИМИЗ»: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Н. Тошев. Навбатчи — Н. Мусоёнов. Мусахҳиш — Ф. Усмонов.